

---

## "Наврўз" умумхалқ байрами муносабати билан катта байрам шодиёнаси бўлиб ўтди.

"Наврўз" умумхалқ байрами муносабати билан катта байрам шодиёнаси бўлиб ўтди.

Данғара истирохат боғида "Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!" деган бош ғоя асосида ташкил этилган Наврўз байрами кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтказилди.

Умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилган тадбирни туман ҳокими табрик сўзи билан очиб, туманда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳатлар, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида тўхталиб, халқимизнинг қадим ва навқирон байрами – Наврўзи олам билан муборакбод этди.

Байрам тадбирида фольклор жамоаларининг чиқишлари, туман маданият маркази ходимлари ҳамда элимиз суйган хушовоз хонандалар ижросидаги дилрабо тароналар, барчага байрамона кайфият ҳамда кўтаринкилик бахш этди.

---

2024-03-18 19:45:05